В то же время, в республике накоплен огромный объем описательной, аналитической, статистической, картографической информации, разносторонне характеризующей компонентный состав почвенного покрова как республики в целом, так и различных природно-хозяйственных регионов. Для унификации, инвентаризации этих ценных данных в целях стабильного информационного обеспечения научно-исследовательских работ, рационального природопользования остро назрела необходимость перевода накопленного массива данных о почвах в цифровой формат. Причем информации не только описательного характера, касающиеся почвенного покрова, но и данных о пригодности почвенного покрова для возделывания сельскохозяйственных культур, данных о рекомендованных севооборотах, рекомендуемых для внесения минеральных и органических удобрений. Соединить в себе базу данных количественных характеристик почвенного почв республики и базу знаний (накопленного опыта

по оптимизации условий возделывания требуемых сельскохозяйственных культур) позволяют экспертные геоинформационные системы.

Основой созданной информационной системы служит банк данных, который является числовым отражением как качественных характеристик, так и количественных показателей свойств компонентов почвенного покрова данного хозяйства. Банк данных состоит из баз компонентов: Базы данных и Базы знаний (рис. 3). База данных это и цифровая почвенная карта, информация о агрохимическом состоянии, экологическом и мелиоративном состоянии. Сюда входят существующие севообороты, дозы внесения органических и минеральных удобрений, специализация хозяйства. База знаний – совокупность знаний, относящихся к некоторой предметной области и формально представленных таким образом, чтобы на их основе можно было осуществлять рассуждения. Это особого рода база данных, разработанная для оперирования знаниями (метаданными).




Рисунок 2. – База данных и база знаний интеллектуальной информационной системы сельскохозяйственного производства

Разработанные базы данных и базы знаний для информационной системы находятся в определенной взаимосвязи между собой. Поэтапное определение наиболее выгодного сельскохозяйственного производства на каждом элементарном участке, а затем и во всем сельскохозяйственном предприятии позволяет осуществить научно-методическое руководство над планированием и прогнозированием дальнейшей специализации растениеводства. Функциональная схема работы информационной системы учета динамики и прогноза свойств отдельных компонентов почвенного покрова представлена на рисунке.

Важнейшим фактором, определяющим и, в конечном счете, плодородие почв, является ее классификационная принадлежность, определяемая рядом соподчиненных свойств: типовая принадлежность почв, гранулометрический состав, подстиление. Еще одним фактором, влияющим на достижение максимальной урожайности сельскохозяйственных культур, является режим увлажнения почв. Как дефицит влаги, так и ее переизбыток часто являются лимитирующими факторами

повышения урожайности и должны учитываться при формировании системы удобрений как севооборота, так и отдельных культур.

Для учета максимально возможного количества факторов, лимитирующих производительность возделываемых культур, в основу базы данных положена информация об агропроизводственных группировках почв. Кроме общей агропроизводственной группировки почв республики по пригодности под сельскохозяйственные культуры, большое значение в современных условиях имеют частные (специализированные) группировки для каждой из культур с учетом их индивидуальных требований к почвенным условиям. В этих группировках для конкретной сельскохозяйственной культуры в каждой степени пригодности приводится перечень классификационных единиц почв с учетом типовой принадлежности, степени и режима увлажнения, гранулометрического состава почвообразующих и подстилающих пород, агроэкологического состояния, которые по своим показателям и производительной способности соответствуют той или иной группе пригодности

почв. Такие группировки почв разработаны под наиболее требовательные к почвенным условиям культуры, возделываемые в республике: озимую пшеницу, озимое тритикале, яровую пшеницу, ячмень, лен, сахарную свеклу, озимый рапс.

Повышенная кислотность также является лимитирующим фактором получения высоких урожаев сельскохозяйственных культур. Большинство почв луговых земель Беларуси имеет от природы кислую реакцию почвенной среды, что часто является лимитирующим фактором в повышении продуктивности сенокосов и пастбищ. Хотя травянистая растительность способствует развитию дернового почвообразовательного процесса, ведущего к накоплению щелочноземельных металлов в корнеобитаемом слое, но процессы выщелачивания преобладают над процессами аккумуляции. Единственным коренным приемом оптимизации кислотности почв является их известкование.

Получение планируемых урожаев сельскохозяйственных культур в значительной мере обуславливается уровнем обеспеченности растений элементами питания. В этой связи первостепенной задачей системы удобрения является оптимизация питания растений при минимальных затратах удобрений. Высокая их эффективность может быть достигнута лишь в том случае, когда внесение элементов питания, лимитирующих рост и развитие растений, полностью компенсирует дефицит питательных веществ в почве и соответствует нуждаемости в них растений. Практика показывает, что прибавка урожая от улучшения одного фактора, обычно лимитирующего урожая, бывает большей, если одновременно улучшается и другой лимитирующий фактор. Так, максимальной прибавки от азота можно добиться только, если культуры получают фосфор, калий и воду в достаточных количествах.

Почвы республики характеризуются большой пестротой по уровню плодородия. Большие различия между полями наблюдаются по типам почв, гранулометрическому составу, степени увлажнения, эродированности, закамененности, агрохимическим показателям, удаленности от производственных центров и другим показателям. Поэтому при планировании системы использования земли, оптимизации структуры посевных площадей и системы севооборотов следует учитывать особенности каждого рабочего участ-

ка (поля). Используя данные частных агропроизводственных группировок, регламенты возделывания сельскохозяйственных культур, различные рекомендации, нормативы и справочники, были созданы базы данных лимитирующих урожай факторов для следующих культур: озимая пшеница, озимое тритикале, озимая рожь, яровая пшеница, ячмень, лен, сахарная свекла, озимый рапс, люцерна, кукуруза на зерно, кукуруза на зеленую массу, картофель, лен долгунец.

Исходя из классификационной принадлежности почвенного покрова, а также факторов, лимитирующих урожайность возделываемой культуры, производится присвоение почвенному контуру цифровой почвенной карты то или иное значение самого фактора. То есть лимитирующим может быть не только один, но и целая совокупность факторов. Здесь следует различать те факторы, которые могут быть изменены в процессе окультуривания почвенного покрова, и те, которые являются перманентными, то есть постоянными и не могут быть изменены в обозримом будущем. К таким относится типовая принадлежность почв, характер и гранулометрический состав как подстилающих пород, так и самих почв.

Следующей является задача установление влияния факторов для данной сельскохозяйственной культуры для всего элементарного участка. Используя геостатистический метод объединения контуров на основе идентичности заданного параметра, в конечном итоге присваивается значение лимитирующего фактора в целом конкретного рабочего участка. Для этого используются методы статистической обработки нечисловых данных. Таким образом производится установление лимитирующих урожай факторов для каждого элементарного участка по каждой культуре. Для функционирования интеллектуальной информационной системы сельскохозяйственного производства для целей планирования оптимального использования земельных ресурсов необходима оценка факторов, лимитирующих урожайность сельскохозяйственных культур. Оценка проводится посредством построения картограмм данных факторов, созданных на основе геостатистического анализа почвенного покрова на уровне сельскохозяйственного предприятия. Это позволяет выявить элементарные участки с недопустимым, допустимым, пригодным и оптимальным значениям кислотности почвенного покрова,

содержанием гумуса, содержанием подвижных форм фосфора и калия отдельно для каждой из следующих культур: озимой пшеницы, озимого тритикале, яровой пшеницы, ячменя, льна, сахарной свеклы, озимого рапса. Данные о классификационной принадлежности почвенного покрова позволят установить степень его пригодности для данных культур не только для почвенных контуров, но и для каждого элементарного участка.

Созданы также картограммы комплексной агро-

химической характеристики для возделывания сельскохозяйственных культур по элементарным участкам, картограммы комплексного показателя плодородия для возделывания вышеперечисленных культур по элементарным участкам с учетом классификационной принадлежности почвенного покрова. Эта работа проделана по каждому объекту исследования для всех элементарных участков (рис. 4).

Условные обозначения

- Комплексная агрохимическая характеристика
- Все показатели являются оптимальными
- Показатели различной степени пригодности
- Только показатели гумуса являются недопустимыми
- Только показатели pH являются недопустимыми
- Только содержание фосфора являются недопустимыми
- Только содержание калия являются недопустимыми
- Все показатели являются недопустимыми




Рисунок 4. – Комплексная агрохимическая характеристика для возделывания озимой пшеницы по элементарным участкам ОАО «Большевик-агро» Солигорского района Минской области

Данное исследование позволило провести оценку факторов, лимитирующих производительную способность почвенного покрова, на основе геостатистического анализа и создать картограммы оптимальных показателей плодородия почв (классификационная принадлежность, кислотность, содержание гумуса, содержание подвижных форм фосфора и калия) для озимой пшеницы, озимого тритикале, яровой пшеницы, ячменя, льна, сахарной свеклы, озимого рапса по каждому объекту исследования для всех элементарных участков. Таким образом, выявлены лимитирующие урожай факторы сельскохозяйственных культур (озимая пшеница, озимое тритикале, озимая рожь, яровая пшеница, ячмень, лен, сахарная свекла, озимый рапс) и созданы их базы данных для создаваемой интеллектуальной информационной системы сельскохозяйственного производства. На их основе проведено установление лимитирующих урожай факторов для каждого элементарного участка по каждой культуре.

Базы данных созданы на основе частных агропроизводственных группировок почв, регламентов возделывания сельскохозяйственных культур, рекомендаций по их возделыванию, различных нормативов и справочников.

Используя полученные данные геостатистической оценки факторов, лимитирующих производительную способность почв, полученные выше, становится возможным проведение многоцелевой оценки пригодности почвенного покрова элементарного участка для возделывания конкретных сельскохозяйственных культур. Данная оценка проводится статистическими и расчетными методами, используя данные о пригодности почвенного покрова для возделывания сельскохозяйственных культур и агрохимического обследования элементарных участков. В результате получатся балл пригодности конкретного элементарного участка для возделывания конкретной культуры (рис. 5).




Рисунок 5. – Пригодность элементарных участков ОАО «Большевик-агро» Солигорского района Минской области для возделывания озимой пшеницы

Заклучение

Проведен геостатистический анализ почвенного покрова по данным крупномасштабных почвенных карт и материалов агрохимического обследования и созданы картограммы недопустимых, допустимых, пригодных и оптимальных значений показателей плодородия почв (классификационная принадлежность, кислотность, содержание гумуса, содержание подвижных форм фосфора и калия, а также комплексных показателей) сельскохозяйственных организаций. Эти факторы и их количественные показатели, являются параметрами многоцелевой оценки пригодности почвенного покрова элементарного участка для возделывания сельскохозяйственных культур.

Проведена многоцелевая оценка пригодности почвенного покрова с присвоением конкретной

степени (непригодные, малопригодные, условно пригодные, приемлемые, пригодные, наиболее пригодные) элементарных участков сельскохозяйственных организаций для возделывания озимой пшеницы, озимого тритикале, озимой ржи, яровой пшеницы, ячменя, льна, сахарной свеклы, озимого рапса. Полученные параметры необходимы для функционирования интеллектуальной информационной системы сельскохозяйственного производства для целей планирования оптимального использования земельных ресурсов. На их основе определяется целевое использование земель сельскохозяйственных организаций, внесение удобрений, планирование получения урожайности наиболее экономически выгодным и экологически безопасным способом.

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ – 100 ЁШДА

А.ХУДОЙҚУЛОВ,

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот
институти «Ахборот ресурс» бўлими бошлиғи



Республикамиз мустақилликка эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳаларида ҳам илмий-амалий ишлар тизимли йўлга қўйилди ҳамда муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада тупроқларда кечаётган саҳроланиш, дегумификация, деградация, шўрланиш, эрозия ва тупроқларни антропоген ифлосланишининг салбий оқибатларини камайтириш йўналишларида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди, тупроқларнинг генезиси, морфологияси, кимёвий, физик-кимёвий ва биологик хосса-хусусиятлари аниқланди, тупроқ унумдорлигини тикланиш кўрсаткичлари ҳамда мос коэффицентлари ишлаб чиқилди, республика қишлоқ хўжалик экин майдонлари тупроқ-иклим шароитларидан келиб чиққан ҳолда рекультивациянинг индивидуал тадбирлари ва биологик усулларга асосланган технологиялари яратилди. Мамлакатимизни жадал ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси»да ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар доирасида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, мавжуд муаммоларни замонавий биологик технологиялар асосида ҳал этиш, органик дехқончиликни кенг жорий этиш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги кунда жаҳонда инсон фаолияти натижасида турли даражада ифлосланган тупроқлар учун худудларнинг тупроқ-иклим шароитларига мос рекультивация тадбирларини яратиш долзарб вазибалардан ҳисобланади. Мамлакатимизнинг турли минтақалари шароитида деградация, дегумификация, саҳроланиш, шўрланиш, эрозия ва ифлосланиш каби салбий жараёнлар таъсирига учраган тупроқлар рекультивацияси учун тупроқларнинг физик-кимёвий, агрокимёвий, микробиологик, биологик хоссаларини аниқлаш, рекультивация омиллари, алгоритми, босқичларини ажратиш, тупроқ хоссалари ва деградация тавсифини инобатга олган ҳолда тадбирларни танлаш, рекультивация жараёнини даврлаштириш, тупроқ унумдорлигининг дастлабки тикланиш кўрсаткичлари, улар учун тегишли коэффицентлар ишлаб чиқиш, тупроқларнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш, келажакда деградация омиллари бўйича прогноз қилинадиган хаританомаларни яратиш, олинган натижалар асосида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш тадбирларини белгилаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 31 майдаги «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5065-сон Фармони, 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5742-сон Фармони, 2020 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республи-

каси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4575-сон қарори, 2021 йил 1 апрелдаги «Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-6198-сон Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ерлари тупроқлари унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклаш борасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш айти пайтда ниҳоятда долзарб ҳисобланади.



Ўтган йили мамлакатимизда 5 декабрь - «Бутунжаҳон тупроқ куни» ва Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институтининг 100 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Мазкур сана муносабати билан пойтахт марказидаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Замонавий жамиятда тупроқшунослик: ютуқлар, муаммолар ва истиқболлар» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди. Тадбирни модератор – «Шўрланган ерларда деҳқончилик халқаро марказининг Ўрта Осиё, Кавказ давлатлари офиси» ИКБА раҳбари Азиз Каримов олиб борди. Тадбир жонли тарзда ва ZOOM дастури орқали юқори савияда ўтказилди. Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти томонидан ташкиллаштирилган бу тадбирда 10 га яқин соҳага оид хорижий давлат қишлоқ хўжалиги мутахассис олимлари, юртимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида

кўп йиллардан буён фаолият юритиб келаётган илмий-тадқиқот институтларининг 150 дан зиёд мутахассис олимлари ҳамда нуфузли олий ўқув юрти профессор ўқитувчи ва талабалари иштирок этдилар.

Шуни айтиш керакки, анжуман мавзуси хорижлик экспертлар диққат эътиборини кенг жалб этди. Улар анжуман жараёнида онлайн тарзда иштирок этиб, билвосита кузатиб бориш имкониятига эга бўлишди.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази Бош директори, биология фанлари доктори Алишер Тўраев кириш сўзи билан очди. У ўз сўзида барча анжуман иштирокчиларини, шу жумладан, Халқаро тупроқшунослар жамияти президенти, профессор Лаура Берта Рейес Санчес хонимни 5 декабрь – Бутунжаҳон тупроқ куни ва Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институтининг 100 йиллик юбилейи билан самимий қутлади. Шунингдек, ҳозирги кунда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази томонидан олиб борилаётган ишлар, тизимда яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида

ҳам тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг анжуман иштирокчиларига навбат билан табрик сўзи берилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Баҳодир Тожиев ZOOM дастури орқали, аввало, барча анжуман қатнашчиларини ушбу қутлуғ сана билан муборакбод этди. Нотиқ охириги йилларда республикамизнинг қишлоқ хўжалиги тизимида, айниқса, Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан муҳим аҳамиятга эга самарали илмий тадқиқотлар амалга оширилаётганини аниқ мисоллар ёрдамида тилга олиб ўтди. Б.Тожиев мамлакатимизда кадастр ер масалалари ўз ечимини топаётгани, фойдаланиладиган ерларнинг тупроқ унумдорлигини янада ошириш ва замонавий агрохимёвий лабораторияларни ташкил

этиш натижасида қишлоқ хўжалигида экологик тоза маҳсулотлар етиштирилиб, мамлакатимизнинг хорижга товар маҳсулоти экспорт қилиш салоҳияти кун сайин ошиб бораётганини алоҳида қайд этди. Юртимизда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сув ресурсларидан тўғри фойдаланиш, экология масалаларини ҳал этиш ва экинларни томчилатиб суғориш тизимида ҳам муайян ютуқлар қўлга киритилаётгани таъкидланди.

Шундан сўнг Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг босиб ўтган йўли ҳақидаги видеолавҳа намойиш этилди.

Намойишдан сўнг сўз навбати Ўзбекистон



Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари кўмитаси раҳбари Рискўл Сиддиқовга берилди. Нотиқ ўз чиқишида бугунги кунда мамлакатимизда аграр соҳада олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, айниқса тупроқшунос олимларимиз томонидан амалга оширилаётган тадқиқотлар ва илмий ишлар тўғрисида муҳим маълумотларни келтириб ўтди. Р.Сиддиқов юқори савияда ўтаётган анжуман иштирокчилари ва ташкилотчиларни самимий қутлаб, институт раҳбариятига эсдалик совғасини топширди.

Анжуманда навбатдаги табрик учун сўзи Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг Ўзбекистон ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Шерзод Умаровга берилди. Маърузачи ўз нутқида Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳаётидаги муҳим сана билан қизгин қутлади. Ўз навбатида ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги ерларидан унумли фойдаланиш, унумдор ерларни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди ва Марказий Осиё давлатлари табиат экологиясига бағишлаб тайёрланган видеолавҳани тақдим этди. Шунингдек, маърузачи қишлоқ хўжалиги тизимида хориж

давлатлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича айни кунларда бажарилаётган ишлар акс этган ёрқин видеолавҳани анжуман иштирокчиларига ҳавола этди. Бундан эса барча мамнун бўлди.

Шунингдек ZOOM дастури орқали сўз олган Мексика давлати вакили Халқаро тупроқшунослар жамияти президенти, профессор Лаура Берта Рейес Санчес хоним барчани «Бутунжаҳон тупроқ куни» билан ҳамда Ўзбекистон Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг 100 йиллик юбилеи билан самимий қутлади.

Анжуман давомида хорижий давлатлардан ташриф буюрган ҳамда ZOOM дастури орқали иштирок этган аграр соҳа илмий-тадқиқот институтлари ва нуфузли институт профессор олимларига сўз навбати берилди. Жумладан, «В.В.Докучаев номидаги Тупроқшунослик институти» Федерал тадқиқот маркази Бош илмий ходими, Россия фанлар академияси академиги Игорь Юрьевич Савин, Беларус МФА Тупроқшунослик ва агрокимё институти директори, Беларусь МФА академиги Виталий Витальевич Лапа, Москва давлат университети Тупроқшунослик факультети Президенти, РФА мухбир аъзоси, профессор Сергей Алексеевич Шоба, ЎзМУ «Биология факультети» декани, профессор Тўхтасин Абдраҳмонов, «Ўздаверлойиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институти директори, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Рухиддин Тўраев, Тошкент вилояти Куйичирчиқ тумани «ТСТ кластери» директори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Фатхулло Жўракулович Тешаев, «Тупроксифаттахлил» ДУК директори, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори Одилжон Жабборов ва бошқалар ўз сўз навбатларида дил изҳорларини билдириб, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Қишлоқ хўжалиги тармоғи вакиллари ўз маърузаларида қишлоқ хўжалигининг, хусусан тупроқшунослик соҳасининг узоқ 100 йиллик тарихи, мустақиллик давригача ва ундан кейинги йилларда эришилган ютуқлари ва муаммолари, илмий ҳамкорликни кучайтириш каби масалалар бўйича атрофлича фикр юритилди.

Маърузалардан сўнг, анжуман кун тартибига кўра, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институт ривожига катта ҳисса қўшган ходимлар ва ёш мутахассисларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

5 декабрь - «Бутунжаҳон тупроқ куни» ва Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот

институтининг 100 йиллик юбилейи муносабати билан куйидагилар:

Тошқўзиев Маъруф Мансурович, Сатторов Жўракул, Курвонтоев Рахмонтой, Гафурова Лазиза Акромовна, Боиров Абдунаби Жўраевич, Каримов Муроджон Умарович, Ахмедов Алмон Усмонович, Абдурахмонов Нодиржон Юлчиевич, Каримбердиева Амина Аъзимовна ва

логия фанлари доктори М.А.Мазировнинг (Россия Федерацияси) «Длительный полевой опыт ТСХА: сущность и этапы развития»;

Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти директори, биология фанлари доктори Ш.М.Бобомуродовнинг «Замонавий жамиятда тупроқшунослик: ютуқлар, муаммолар ва истиқболлари» мавзусида;



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Ж.Сатторов;

Беларус МФА Тупроқшунослик ва агрохимё институти етакчи илмий ходими, кишлок хўжалиги фанлари номзоди, доцент, Д.В.Матыченковнинг (Беларус Республикаси) «Гео-статистический анализ почвенного покрова по факторам, лимитирующим урожайность сельскохозяйственных культур» мавзусида;

В.В.Докучаев номидаги Тупроқшунослик институти бўлим бошлиғи, кишлок хўжалиги фанлари номзоди Н.Б.Хитровнинг (Россия Федерацияси) «Электронная карта засоления почв

Исмонов Абдувахоб Жўраевичлар муносиб тақдирландилар;

шунингдек ёш тупроқшунос мутахассислардан: Жумаев Шавкат, Каттаева Гулноза, Норматов Ёдгор, Бобоноров Бегзод, Холматов Отабек, Каримов Ҳайитоли, Қулдашев Қудрат, Ҳалилова Зарина, Жўраев Шухрат ва Мухаммадиев Самадлар мукофотларга лойиқ кўрилди.

России» мавзусида;

Фарғона давлат университети кафедра профессори, кишлок хўжалиги фанлари доктори, профессор Ғ.Юлдашевнинг «Шўрланган ерлар педогекимёси ва тадқиқот усуллари» мавзусида;

«Қишлоқ хўжалиги экинлари навсинаш маркази» директори, кишлок хўжалиги фанлари доктори Ш.Нурматов ва бошқа профессорларга сўз навбатлари берилди. Улар ўз мавзулари юзасидан маърузалари ва тайёрланган видеоларлар намоёнишини анжуман қатнашчиларига ҳавола этдилар.

Анжуманда этироф этилганидек, бугунги кунда дунёда турли саноат тизимлари фаолияти, фойдали қазилма конларини қазилма, улардан турли соҳаларда фойдаланиш жараёнлари ва антропоген омиллар таъсирида тупроқ қопламнинг кимёвий ифлосланиши, уларнинг хосса-хусусиятларини ўзгариши ҳамда унумдорлигининг пасайиши кузатилмоқда. Тупроқларнинг ифлосланиши турли шаклларда вужудга келиб, уларнинг деградациясига, ҳосилдорлигининг сифат ва миқдор жиҳатдан пасайишига ҳамда экотизим билан боғлиқ муаммоларни шаклланишига олиб келмоқда.

Анжуманда тупроқлар унумдорлигини сақлаш,



Тақдирлаш маросимидан сўнг, анжуманнинг асосий қисмида, бир нечта маърузалар тингланди. Чунончи:

К.А.Тимирязев номидаги Россия давлат аграр университети – МСХА Деҳқончилик ва тажриба иши методикаси факультети профессори, био-

қайта тиклаш ва ошириш, уларнинг физик-кимёвий, агрокимёвий, микробиологик, биологик хоссаларини яхшилаш; хорижлик олимлар билан ўзаро илмий-амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва интеграциялаш, тизимда ягона электрон карталар ишлаб чиқиш ва амалиётда кенг қўллаш, геокимёвий тўсиқларни аниқлаш ҳамда уларни тадқиқ қилиш усулларини ишлаб чиқиш, алмашлаб экиш, тупроқларни ювилиб кетиши бўйича тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, тупроқшунослик соҳасига янада жиддийроқ ёндашиш каби вазифалар қўйилди.

Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги бутун дунё мамлакатлари олдига турган энг долзарб вазифалардан биридир. БМТ ҳам бугун озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни тақсимлаш бўйича ёндашувни мутлақо ўзгартириш вақти келганини таъкидламоқда.

Сабаби, бугунги кунда табиатга бефарқ муносабат, унга антропоген таъсирнинг кучайиб бориши, исрофгарчилик, илғор ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги озиқ-овқат баланси бўйича фарқнинг ўсаётгани, иқлим ўзгаришлари қатор салбий омилларни келтириб чиқаряпти. Нознеъматларимиз, чучук сув, уммонлар, ўрмонлар, биологик хилма-хиллик кескин суръатларда камайиб бормоқда, ер унумдорлиги пасайиб, тупроқ деградацияга учраётир.

Масаланинг яна бир томони, қишлоқ хўжалиги дунёдаги энг катта иш берувчи тармоқдир. Бугун дунё аҳолисининг 40 фоизи айнан шу соҳа орқали тирикчилик қилади. Бу қишлоқлардаги оилалар учун даромад келтирувчи ва бандликни таъминловчи асосий манбадир. Ривожланаётган мамлакатларда асосан лалми бўлган беш миллион кичик фермер хўжаликлари озиқ-овқатнинг 80 фоизини етказиб беради. Шундай экан, мазкур жабҳага инвестиция киритиш аҳоли қатламлари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш қаторида маҳаллий ва ташқи бозорларга маҳсулот етказиб бериш бўйича мамлакат имкониятларини оширади.

Ўзбекистон ҳам барча давлатлар қатори озиқ-овқат хавфсизлиги масаласида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашга асосий эътиборни қаратиб келмоқда. Зеро, айни пайтда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ошмоқда, аҳоли сони ўсиши асносида жон бошига истеъмол кўпаймоқда.

Бинобарин, сўнгги йилларда мамлакатимизда

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини ва экспорт салоҳиятини оширишга бўлган ёндашув мутлақо ўзгарди, давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантирилди.

Маълумки, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг етакчи тармоғи саналади. Унда 3,6 миллион киши, яъни иқтисодиётда банд бўлганларнинг 27 фоизи ишлайди. ЯИИМда тармоқ улуши 32 фоизга тенг бўлса, соҳада фойдаланиладиган ер майдонлари республика ҳудудининг 45 фоизини эгаллайди. Ҳозирги вақтда 180 дан ортиқ турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилинаётгани диққатга сазовор албатта. Яна бир эътиборли жиҳати, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг кластер усули йўлга қўйилиб, у кенг қулоч ёзаяпти. Улар билан қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг 62 фоизи пахта-тўқимачиликда, 8 фоизи чорвачиликда ва 7,5 фоизи мева-сабзавотчиликда қамраб олингани бунинг тасдиғидир.

Шулар қаторида соҳани янада ривожлантириш, фермерлар даромадини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш борасида фойдаланилмаётган бир қатор имкониятлар мавжуд. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 16 январдаги «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони ва айни пайтда ишлаб чиқилаётган Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси шу нуқтаи-назардан долзарбдир.

Айни чоғда деҳқончилик маҳсулотлари ҳосилдорлиги ва чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш вазифаларини ҳал этиш учун замонавий агротехнологиялар жорий этилишини рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ва тайёрлаш, тақсимлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг самарали тизимини яратиш ҳам муҳим. Хусусан, бутун йил мобайнида ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайдиган, ҳам нархларнинг мавсумий ўзгариб туришини пасайтирадиган механизм яратиш лозим.

Шу нуқтаи назардан янги ва қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашнинг самарали усулларини татбиқ этиш давр талабидир.

Бойси 2025 йилга бориб Ўзбекистон ўртача даражадан юқори даромад оладиган мамлакатлар гуруҳига ўтиши мақсад қилинган. Бу турмуш тарзи, хулқ-атвор андозалари, овқатланиш тар-

кибини тегишли тарзда ўзгаришига олиб келади. Шуларни эътиборга олган ҳолда бир қанча товарлар бўйича қайта ишланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари улуши ўсишини таъминлаш зарур бўлади.

Президентимизнинг «Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида бу масала кўзда тутилган. Қайд этилишича, тупроқлар унумдорлигини оширишга оид амалиёт таҳлили ушбу соҳада бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатган.

Хусусан: биринчидан, тупроқлардан фойдаланиш, унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш бўйича тизимли ишларни ўз ичига олган яхлит ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас;

иккинчидан, тупроқларни комплекс ўрганиш асосида уларнинг хосса-хусусиятларини, жумладан, гумус ва озуқа моддалар миқдорини аниқлаш ва унумдорлик даражасини белгилашдан ташқари, тупроқларнинг экологик ҳолати, турли токсикант ва поллютантлар билан заҳарланганлик даражаларини тадқиқ қилиш ва ташхис қўйиш, экологик тоза ва соғлом тупроқ ҳолатига келтириш учун илмий асосланган ишланмалар ва тавсияларни жорий этиш механизми тўлиқ яратилмаган;

учинчидан, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчилар томонидан тупроқ унумдорлигини ошириш, айниқса органик ўғитлардан кенг фойдаланиш бўйича комплекс тадбирларни етарли даражада амалга оширилмаганлиги натижасида, сўнгги 30 йилда суғориладиган тупроқларда гумус миқдори 10-15 фоизга камайиб кетган, оқибатда эквивалент ҳисобида бой берилган суғориладиган экин ерлари 450 минг гектарни ташкил қилади;

тўртинчидан, тупроқлар деградациясини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш ва салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилмаганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги ерлари ишлаб чиқариш айланмасидан чиқиб кетмоқда;

бешинчидан, тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерлардан самарали фойдаланиш соҳасида олиб борилаётган илмий ишлар етарли даражада йўлга қўйилмаган, соҳада илғор технологияларни қўллаш даражаси юқори эмас ва илмий тадқиқот натижалари амалиётга кенг жорий этилмапти;

олтинчидан, соҳага оид илмий-тадқиқот инсти-

тутлари томонидан тупроқларнинг унумдорлигини аниқлаш ва прогноз қилишда замонавий ёндашувлар етарли эмас;

еттинчидан, лалми ва яйлов ерларидан фойдаланиш самарадорлиги паст бўлиб, ресурстежамкор, замонавий илғор технологияларни қўллаш етарли даражада йўлга қўйилмаган;

саккизинчидан, қишлоқ хўжалиги ерларида ўтказиладиган агро-тадбирлар, жумладан, шудгорлаш, экиш олдидан минерал ва маҳаллий ўғитларни киритиш ва вегетация даврида минерал ўғитларни қўллашга ихтисослашган агрегатларни маҳаллийлаштириш тизими ишлаб чиқилмаганлиги натижасида тупроқларни физик ва агрохимёвий хоссаларига салбий таъсир кўрсатиб, тупроқларнинг зичлигини ортишига, гумус ва озиқа моддалари билан таъминланганлик даражасининг пасайишига олиб келмоқда.

Бу вазифаларни бажариш Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти жамоаси зиммасига катта масъулият юклайди.

Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, *«Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, биз учун ҳаётий муҳим масаладир. Такрор айтаман, тинчлик ва соғликни таъминласак, қолган ҳамма нарсага эришамиз. Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлардан мақсад – иқтисодий фойда кўриш билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдан иборатдир. Буни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур»*.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки, анжуманда аграр соҳани ривожлантириш йўлида чуқур назарий ҳамда инновацион тадқиқотлар олиб бориш бўйича фикр алмашилди. Аграр соҳада тайёрланаётган кадрларни эришилган ютуқлар, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар билан яқиндан таништириш ва уларни бу соҳага кенгроқ жалб қилиш асосида юқори малакали кадрларни тайёрлаш асосий мақсад қилиб қўйилди. Шунингдек, ёш тупроқшунос кадрларга таълим беришда олий ўқув юрти ва илмий-тадқиқот муассасалари билан доимий ҳамкорликда фаолият юритиш, «устоз-шоғирд» аъёналари асосида узвий тадқиқотлар олиб бориш, бу соҳани жадал ривожлантириш ҳам вазифа қилиб белгиланган эди. Дадил айтиш мумкинки, анжуманда шу ва бошқа қўйилган вазифалар келгусида тўлақонли удаланади.



МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР:

Ш.М.Бобомуродов – Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти директори, биология фанлари доктори /Ўзбекистон/.

Laura Bertha Reyes Sánchez – International Union of Soil Sciences (IUSS) President, professor /Mehico/.

Лаура Берта Рейс Санчес – Халқаро тупроқшунослик жамияти президенти, профессор /Мексика/.

И.Ю.Савин – Главный научный сотрудник Федерального исследовательского центра «Почвенный институт им. В.В.Докучаева», академик РАН /Россия/.

В.В.Лапа – Директор РУП «Институт почвоведения и агрохимии» НАН Беларуси, академик НАН Беларуси /Беларусия/

Д.В.Матыченков – ведущий научный сотрудник РУП «Институт почвоведения и агрохимии», кандидат с.-х. наук, доцент /Беларусия/

С.А.Шоба – Президент факультета Почвоведения Московского государственного университета, член-корреспондент РАН, профессор /Россия/.

М.А.Мазиров – доктор биологических наук, профессор кафедры Земледелия и методики опытного дела Российского государственного аграрного университета – МСХА имени К.А.Тимирязева /Россия/.

И.Т.Турапов – Тошкент давлат аграр университети кафедра профессори, кишлок хўжалиги фанлари доктори, профессор /Ўзбекистон/.

Р.Курвантаев – Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти «Тупроқ физикаси ва технологияси бўлими» етакчи илмий ходим, кишлок хўжалиги фанлари доктори, профессор /Ўзбекистон/.

«Тупроқшунослик ва агрокимё» илмий журналида мақола чоп этиш учун қўйиладиган ТАЛАБЛАР

«Тупроқшунослик ва агрокимё» илмий журналга тақдим этиладиган илмий мақолаларга қўйиладиган асосий талаблар жаҳон андозалари ҳамда Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган PhD тадқиқотлари тизимидаги андозалардан келиб чиқади. Мақолада кўтарилган муаммоларнинг мазмуни, тадқиқот услубининг тавсифи, муаллиф томонидан олинган маълумотлар ҳамда хулосалар қисқа ва аниқ бўлиши керак.

Мақола тизимини қуйидагича шакллантириш талаб этилади:

1. Муаллиф (ёки муаллифлар) томонидан тақдим этилаётган илмий мақола мавзуси «Тупроқшунослик ва агрокимё» илмий журнаlining рункларига мос келиши шарт.

2. Мақола халқаро талаб доирасидаги қуйидаги талаблар бўйича шакллантирилиши лозим:

- Мақола мавзуси (Title)
- Мақола муаллиф(лар)и тўғрисида маълумот (information about the author)
- Мақола аннотацияси (Abstract)
- Калит сўзлар (Key words)
- Кириш (Introduction)
- Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review)
- Тадқиқот методологияси (Research methodology)
- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)
- Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References)

Мақолалар ўзбек, рус, ёки инглиз тилларида тақдим этилиши мумкин. Юборилган мақолаларни барчаси «Антиплагиат» тизимида текширилади.

Журналда қуйидаги асосий йўналишлар бўйича илмий мақолалар эълон қилинади:

- Тупроқшунослик, Агрокимё;
- Тупроқ кимёси ва минералогияси;
- Агротупроқшунослик;
- Тупроқ микробиологияси, тупроқ зоофаунаси;
- Мелиорация ва суғорма деҳқончилик;
- Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш;
- Ўсимликшунослик, Ўсимликлар физиологияси ва озикланиши;
- Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммолари;

Мақолани расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар:

- Матн – Microsoft Word.
- Мақола матни чапдан – 3 см, ўнгдан – 1,5 см, юқори ва пастдан – 2 см қолдирилади.
- Шрифт – Times New Roman.
- Мақола матни шрифтининг катталиги – 14; Қаторлар оралиғи (интервал) – 1,15; Хат боши (абзац) – 1,27.
- Муаллифнинг исми, фамилияси, отасининг исми, иш жойи (ўқиш жойи), лавозими, электрон почта манзили ҳақидаги маълумот мақола юқори қисмининг ўнг тарафига кичик ҳарфларда, ўзбек, рус, инглиз тилларида, курсив (Шрифтнинг катталиги – 14. Қаторлар оралиғи (интервал) – 1) билан ёзилади.

• Мақоланинг номи ўзбек, рус, инглиз тилларида (Шрифтнинг катталиги – 14) – босма ҳарфларда марказда қўйилади.

• Қисқача аннотация ўзбек, рус, инглиз тилларида (Шрифтнинг катталиги – 12. Қаторлар оралиғи (интервал) – 1) ёзилиши лозим. Сўзлар сони 60-80 тани ташкил этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

• Калит сўзлар – (6 – 10 тадан кам бўлмаган) уч тилда ўзбек, рус, инглиз тилларида берилди.

• Мақола мавзусига мос УЎТ индекси биринчи саҳифанинг чап бурчагига қўйилади.

• Жадваллар минимал миқдорда (2-3 жадвал) алоҳида саҳифаларда топширилади. Уларнинг ҳажми 1 саҳифадан ошмаслиги керак. Жадвал, график ва мақола матнларида бир хил маълумотларни такрорлаш мумкин эмас. Жадваллар номланиши ва номерланиши шарт (жадвал 1, жадвал 2). Иллюстрациялар энг кўпи билан (2-3 расм) бўлиши керак, мақоланинг зарур жойларида суратларга илова қилинади (расм 1, расм 2).

• Матндаги ҳаволалар қуйидаги тартибда шакллантирилади; [1] ёки [2, С.170] ёки [3, С.132, 185, 193].

• Фойдаланилган адабиётлар рўйхати алифбо тартибда (Times New Roman; 12 шрифт; 1.0 интервал) кўрсатилиши лозим.

• Чоп этиладиган мақолалар мазкур иш бажарилган муассаса йўлланмаси, эксперт комиссия далолатномаси, иккита тақриз (шундан биттаси фан докторидан) бўлиши керак. Мақола, адабиётлар рўйхати ва аннотациялар (шрифт 14, Times New Roman) ёзилиб, таҳририятга электрон варианты билан топширилиши шарт.

Мақолалар таҳрирдан ўтказилади, шунингдек, таҳрирдан ўтмаган мақолалар журналда чоп этилмайди. Мақолалар journal@soil.uz ва soiljournal@umail.uz электрон почта манзилларига юборилади. Кўшимча ахборотларни +99897-704-81-77 телефон рақами орқали олиш мумкин.

Таҳририят

